

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/30.12.2019.Т.06.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ФУЗАЙЛОВ ОМОН УБАЙДУЛЛОЕВИЧ

**МИКРОТЎЛҚИНЛИ ЭНЕРГИЯНИ ҚЎЛЛАГАН ХОЛДА МУРАККАБ
ОЛТИН ТАРКИБЛИ ХОМАШЁНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ
САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА
ТАДҚИҚОТЛАР**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Фузайлов Омон Убайдуллоевич

Микротўлқинли энергияни қўллаган ҳолда мураккаб олтин таркибли хомашёни қайта ишлашнинг самарали технологиясини яратиш бўйича тадқиқотлар..... 3

Фузайлов Омон Убайдуллоевич

Исследования по разработке эффективной технологии переработки упорного золотосодержащего сырья с применением микроволновой энергии..... 21

Fuzaylov Omon Ubaydulloevich

Research on the development of an efficient technology for processing refractory gold-bearing raw materials using microwave energy 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

ФУЗАЙЛОВ ОМОН УБАЙДУЛЛОЕВИЧ

**МИКРОТЎЛҚИНЛИ ЭНЕРГИЯНИ ҚЎЛЛАГАН ҲОЛДА МУРАККАБ
ОЛТИН ТАРКИБЛИ ХОМАШЁНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ
САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА
ТАДҚИҚОТЛАР**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т990 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Санакулов Кувандик Санакулович**
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мухиддинов Баходир Фахридинович**
кимё фанлари доктори, профессор

Худояров Сулейман Рашидович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/30.12.2019.Т.06.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 10 декабр соат 8⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳ кўчаси, 127-уй, Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2020 йил 27 ноябр куни тарқатилди.
(2020 йил 27 ноябрдаги 22 рақамли реестр баённомаси)




Б.Р. Раимжанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б, т.ф.д., профессор


Ш.Ш. Заиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор


И.Т. Мислибоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида осон қайта ишланадиган рудалар мавжуд бўлган конлар захираларининг камайиши, мураккаб олтин таркибли рудалар тез суратлар билан қайта ишлашнинг кўпайишига олиб келди. Олтиннинг умумий ажратиб олишни ошириш ва хомашёдан комплекс фойдаланиш ишлаб чиқариш саноатининг асосий муаммоси бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга, ноанъанавий қайта ишлаш усулларидан фойдаланган ҳолда, олтиннинг ажралиш даражасини ошириш ва хом ашёдан комплекс фойдаланиш имконини берадиган, юқори самарадор технологияларни яратиш ва жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунёда мураккаб олтин таркибли рудалар ва контцентратларни қайта ишлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Маҳсулот таннархини пасайтириш учун асосий металлнинг умумий ажратиб олиш даражасини ошириш ва қайта ишлаш харажатларини камайтириш мақсадида янги усуллар ва технологик ечимлар ишлаб чиқилмоқда. Шунингдек, хом ашёлардан комплекс фойдаланиш ва қўшимча маҳсулотлар олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, хом ашёлардан комплекс фойдаланган ҳолда қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни ошириш учун самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва мавжуд қайта ишлаш схемаларини такомиллаштириш кон-металлургия саноати илм-фан ва амалиётининг долзарб вазифасидир.

Республикамизда кон-металлургия саноати, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишининг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, уни қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш учун минерал хом ашёни, хусусан полиметалл рудаларини қайта ишлашнинг такомиллаштирилган ва янги технологияларини ишлаб чиқмасдан ва амалга оширмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Мураккаб олтин таркибли хомашёни қайта ишлашнинг самарали технологиясини яратиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида «саноатни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда мураккаб олтин таркибли рудалар ва контцентратлардан ажратиб олиш даражаси юқори бўлган қимматбаҳо компонентларни комплекс равишда ажратиб олишнинг янги технологияларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлар тўплами. – Т., 2017. – 103 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПФ-3145-сон «Фойдали қазилмалар конларини саноат йўли билан ўзлаштириш соҳасидаги лойиҳа-қидирув ва илмий тадқиқот ишлари бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонида, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси., Адамов Э.В., Плаксин И.Н., Чантурия В.А., Абрамов А.А., Годэн А.М., Лодейщиков В.В., Меретуков М.А, Санакулов К.С., Юсупходжаев А.А., Якубов М.М., Хасанов А.С., Шарипов Х.Т., Хасбулатов В.Ш., Саттаров Г.С., Эргашев У.А., Нақе К.Е., Afenya P.M., Brierly C.L., Emmet R.C.Ir., Marsden J. ва бошқалар каби жаҳон ва маҳаллий олимлар руда хомашёсидан шунингдек саноат чиқиндилврдан қимматбаҳо, рангли, ноёб ва ноёб ер металлларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳасига катта ҳисса қўшдилар.

Мавжуд ишларни таҳлил қилиш асосида шуни таъкидлаш керакки, таркибида олтин бўлган маъданларнинг мураккаблиги физикавий ва кимёвий турларга бўлинади. Физик мураккабликда олтин кварц ва бошқа сульфидли минераллар матричасида жойлашган бўлиб, натижада эритувчи олтин билан реакцион юзасига кира олмайди. Кимёвий мураккабликда эса, сульфид минералларидан ташқари, руда таркибида эриган олтинни ютадиган углеродли моддалар ва олтинни эритиш учун мўлжалланган циянид билан реакцияга киришишга қодир табиий аралашмалар мавжуд бўлиши мумкин. Одатда бу рудалар сульфид матритсасини парчалаш ва танлаб эритишдан олдин моддаларнинг репрессив таъсирини пассивлаштириш учун дастлабки ишлов беришни талаб қилади. Шу пайтгача рудани дастлабки қайта ишлаш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказилган. Бу ишлов бериш усуллари куйдириш, хлорлаш, автоклавда қайта ишлаш, биооксидлаш ва бошқаларни ўз ичига олади Шу билан бирга, олтиннинг маггемит ва магнетит шаклида темир билан бирикма ҳосил қилиши сабабли куйдиришдан фойдаланганда мураккаб таркибли рудалар ва концентратларни қайта ишлашда олтиннинг эрувчанлигининг пастлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд; бундан ташқари концентратдаги арсенопирит микдори юқори бўлганлиги сабабли куйдириш жараёнидан фойдаланиш имкони ҳам чекланиши мумкин. Бактериал оксидланиш жараёнида сульфидли олтин сиртининг тўлиқ бўлмаган

очилиши кузатилади. Автоклав оксидланиш жараёни катта ишлаб чиқариш ҳажмида паст унимдорликка ва мураккабликка эга; реактивлар ва ресурсларга сарфланадиган юқори харажатлар хлорлаш жараёнига хосдир. Сульфидли олтин юзасини очиш учун микротўлқинли нурланиш ёрдамида мураккаб таркибли олтин концентратларни қайта ишлаш муаммолари этарлича ўрганилмаган.

Ушбу диссертация иши мураккаб олтин таркибли концентратларда сульфидли минералларни структурасини бузиш учун микротўлқинли печларда (МТ) куйдириш технологиясини тадқиқ этиш ва ривожлантириш ва кейинчалик микротўлқинли куйдириш куйиндисини сульфат кислотада қайта ишлаш ва олтиннинг умумий ажратиб олишдаражасини оширишга бағишланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиқ институти илмий-тадқиқот режасининг №1-2013-сон «ГМЗ-3 чиқинди хўжалигида ҳар хил формали олтинни ҳажмий тақсимланишини тадқиқ қилиш» (2014-2015 йй.) ва 2-09/2020ПЗ-сон «Замонавий физик-кимёвий усуллар (ДТА, ИҚС, РА, ЭСМ) ёрдамида КЕМИКС қолдиқлари ва ГМЗ-3 олтин таркибли маҳсулотларини куйдириш жараёнидаги таркибий ва структура тузилишидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш» (2020 й.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олтинни умумий ажратиб олиш даражасини ошириш учун микротўлқинли энергиядан фойдаланган ҳолда, мураккаб олтин таркибли хом ашёни қайта ишлашнинг самарали технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олтин таркибли концентратларнинг минералогик таркибини ўрганиш ва кейинчалик сорбцион цианлаш билан асосий металлни селектив ажратиб олиш учун олтиннинг реакцион сирт юзасини очишга мувофиқ усулларини аниқлаш;

комплекс термик усуллардан фойдаланган ҳолда флотоконцентратнинг термик хусусиятларини тадқиқ қилиш: термогравиметрия, дифференциал сканерловчи калориметрия, дифференциал термогравиметрия(ТГ, ДТГ,ДСК).

ҳарорат режими таъсирини ўрганиш ва оптимал параметрларни танлаш орқали концентратларни микротўлқинли куйдириш жараёнини тадқиқ қилиш;

олтинни ажратиб олиш даражасига микротўлқинли автоклавли қайта ишлаш жараёнининг таъсирини тадқиқ қилиш;

МТ куйдириш куйиндисини магнитли саралаш ва олтинни умумий ажратиб олиш даражасини ошириш учун магнитли фракцияни сульфат кислота билан қайта ишлашни тадқиқ қилиш ва қимматбаҳо компонентнинг ажралиш даражасини оширишга таъсир этувчи факторларни таҳлил қилиш, шунингдек концентратларни МТ қайта ишлаш, куйиндини магнитли саралаш

ва магнитли фракцияни сульфат кислота билан қайта ишлашни ўз ичига олувчи схемани яратиш;

мураккаб олтин таркибли концентратлардан олтинни ҳамда темир асосли пигмент ва анорганик ўғит – $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ни йўлдош компонент ҳолида олишнинг комплекс технологик схемасини яратиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг мураккаб олтин таркибли концентратлари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети – олтинни ажратиб олиш даражасини ошириш имконини берадиган, микротўлқинли энергиядан фойдаланган ҳолда, мураккаб олтин таркибли концентратларни қайта ишлаш технологияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини олиб боришда замонавий комплекс тадқиқот усуллари, жумладан рентгено-флуоресцентли, атомно-абсорбцион, ИК-спектрометрик, рентген фазалари тадқиқ усуллари, материалнинг иссиқлик хусусиятларини ўрганиш учун лаборатория тажрибалари, тажриба синовлари, шунингдек термогравиметрик таҳлил усули кенг қўлланилди; электрон микроскопия, рентген структуравий таҳлил, кимёвий ва фазали таҳлил усуллари ва лаборатория синовлари натижаларини қайта ишлашнинг математик усуллари фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

флотоконцентратни куйдиришда иссиқлик эффекти ҳисобланган, натижада куйдириш жараёни иссиқлик энергияси ажралиши билан бориши аниқланган;

мураккаб олтин таркибли концентратларни микротўлқинли куйдиришнинг оптимал параметрлари аниқланган;

янги технологик схема ва мураккаб олтин таркибли концентратларни микротўлқинли-автоклавли куйдиришни қўллаш орқали қайта ишлашнинг оптимал режими яратилган;

куйиндида маггемитнинг сезиларли миқдори мавжудлиги аниқланган ва маггемитга олтиннинг маълум миқдори боғланган ҳамда МТ куйиндисини сорбцион цианлашдан сўнг магнитли саралаш орқали эримай қолган олтиннинг асосий қисми маггемитда капсуляцияланиши аниқланган;

МТ куйдириш куйиндисини магнитли саралаш ва олтинни умумий ажратиб олиш даражасини ошириш учун магнитли фракцияни сульфат кислота билан қайта ишлаш жараёнини аниқлаш орқали концентратга МТ куйдириш ва куйиндини магнитли саралаш ва магнитли фракцияни сульфат кислота билан қайта ишлашни ўз ичига олувчи схема ва унинг оптимал параметрлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

куйдириш жараёнини автоген бориши учун иссиқлик эффектини ўз ичига олувчи флотоконцентратнинг термик хусусиятлари аниқланган;

сульфидли минералларни тўлиқ оксидлаш учун мураккаб олтин таркибли концентратларни микротўлқинли куйдиришнинг оптимал параметрлари яратилган;

олтинни умумий ажратиб олишни 4,8% га оширадиган ва кўшимча равишда темироксидли пигмент ва ноорганик ўғит – $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ни олиш учун микротўлқинли куйдириш ва магнитли саралашни қўллаш орқали мураккаб олтин таркибли концентратларни қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган;

мураккаб олтин таркибли концентратларни микротўлқинли куйдириш-автоклавланган усули билан қайта ишлашнинг янги технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кенг миқёсда ўтказилган лаборатория ва ярим-саноат тажрибалари қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш даражасини оширишда ишнинг асосий мазмунининг қониқарли мос келадиган ва миқдор жиҳатдан ўз тасдиғини топгани, микротўлқинли куйдириш ва МТ куйиндисини магнитли саралашни қўллаш натижасида олтиннинг эриш даражаси ва асосий метални умумий ажратиб олиш даражасини оширишда ўз тасдиғини топадиган сезиларли ижобий натижалар, шунингдек ижобий лаборатория ва кенгайтирилган лаборатория синовларининг актлари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мураккаб олтин таркибли концентратлардан олтинни ажратиб олиш даражасини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, концентратларни микротўлқинли куйдириш жараёнини мақсадга мувофиқлигини назарий асослаш, микротўлқинли куйдириш куйиндиларига магнитли саралаш жараёнини қўллаш, магнитли фракцияга сульфат кислота ёрдамида ишлов бериш, кейинги сорбцион цианлашда олтинни эритмага ўтиш даражасини ошириш ва олтиннинг умумий ажратиб олиш даражаси ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган янги технологик схема натижасида мураккаб олтин таркибли концентратлардан қимматбаҳо компонентларни ажратиб олиш даражасини оширишга билан боғлиқ бўлиб бу минерал хом-ашёлардан комплекс фойдаланиш ва асосий металлни умумий ажратиб олиш даражасини юқорилиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мураккаб олтин таркибли концентратларни микротўлқинли куйдириш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган микротўлқинли куйдириб автоклалда ишлов бериш орқали мураккаб олтин таркибли концентратларни қайта ишлашнинг янги технологияси «Навой кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий этилган («Навой кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 16 октябрдаги 02-06-07/10876-сон маълумотномаси). Натижада, яратилган технологияни қўллаш олтин юзасини очилиши ва асосий металлни умумий ажратиб олиш даражасини 4% гача ошириш имконини берган;

мураккаб таркибли концентратларни микротўлқинли куйдириш ва магнитли саралаш кейинчалик сульфат кислотали қайта ишлаш технологияси

«Навоий кон-металлургия комбинати» ДКда амалиётга жорий этилган («Навоий кон-металлургия комбинати» ДКнинг 2020 йил 16 октябрдаги 02-06-07/10876-сон маълумотномаси). Натижада, олтиннинг умумий ажратиби олиш даражасини 4,8%га ошириш ва қўшимча равишда темироксидли пигмент ва анорганик ўғит – $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, жумладан Республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Мураккаб олтин таркибли концентратларнинг ҳозирги аҳволи ва уларни қайта ишлаш учун микротўлқинли энергиядан фойдаланиш» деб номланган биринчи бобда мураккаб олтин таркибли флотоконцентратларни қайта ишлаш бўйича комплекс ёндашув ва уларни қайта ишлаш учун микротўлқинли энергиядан фойдаланиш тадқиқ қилинган.

Мураккаб таркибли руда ва концентратларни қайта ишлаш бўйича бойитиш фабрикаларининг мамлакатимиз ва хориж амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, сульфидлар матрицасини емириш, танлаб эритишдан олдин уларни оксидлаш ва углеродли моддани пассивлаштириш мақсадида дастлабки қайта ишлаш усуллари билан ишлов берилади. Дастлабки ишлов бериш усуллари куйдириш, хлорлаш, автоклавли ишлов бериш ва биооксидлашни ўз ичига олади.

Мураккаб таркибли концентратларни қайта ишлашда оксидловчи куйдириш кенг тарқалган, қайсики у оғир-рангли ва нодир металл таркибли материалларга олдиндан ишлов бериш ҳамда сульфат кислота ишлаб чиқариш учун олтингугурт икки оксидини ҳосил қилиш билан темир сульфидларини оксидлаш учун кенг қўлланилади. Куйдириш реакцияси,

одатда, 450-820 °C ораликда, кўпроқ 550 °C яқин бўлади. Куйдириш усулидан ўнлаб йиллар мобайнида мураккаб таркибли рудалардан ва концентратлардан олтинни ажратиш олиш учун қўлланиб келинмоқда. Ўта мураккаб олтин таркибли рудалар учун бу дастлабки ишлов беришнинг эксклюзив жараёни ҳисобланади, ва мос равишда, уни ишлаб чиқиш бутун рудаларни оксидловчи куйдиришнинг янги технологияси билан яқунланиб, батафсил тақдим этилади.

Концентратларни автоклавли қайта ишлаш масалалари кўриб чиқилди, жараёнларнинг кўп сонли тадқиқотлари ўтказилган, уларда рудалардан ва иккиламчи материаллардан металлларни ажратиш олиш учун юқори ҳарорат ва босимда оксидловчи, нейтрал ёки тиклаш шароитларида танлаб эритмага ўтказишдан фойдаланилади.

Шунингдек, концентратларга ишлов беришнинг биотехнологик усуллари ўрганилди. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, бактериал танлаб эритишни қўллаш қуйидаги техник-иқтисодий афзалликларга эга: реагентларнинг оз сарфланиши; реакцияга киришишнинг юқорилиги ва бактериал эритмаларда қаттиқ моддалар чўктирилишининг (бактериясиз эритмаларга қараганда) юқори даражали тезлиги; ҳосил бўладиган элементар олтингугурт оксидланишининг тезланиши; хизмат кўрсатишнинг осонлиги; фойдаланиш ва асосий харажатларнинг пастлиги ва б.

Биооксидлаш жараёни қатор афзалликларга эга бўлса-да, айрим камчиликларини ҳам санаб ўтиш лозим: жараённинг узоқ давомийлиги ва сорбцияли-актив кўмирли модданинг кўп таркибили рудаларни қайта ишлашнинг самарасизлиги.

Шундай қилиб, мураккаб таркибли концентратларни қайта ишлашнинг ҳозирги аҳволи шуни кўрсатадики, мураккаб таркибли концентратлардан олтин ажратиш олиш фан ва техниканинг долзарб вазифаси бўлиб ҳисобланади.

«Тадқиқот объекти ва усуллари» деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объекти ўрганилган, бу «Навий кон-металлургия комбинати» ДК 3-гидрометаллургик заводнинг ўта мураккаб олтин таркибли флотоконцентрати ҳисобланади, шунингдек, тадқиқотларни ўтказиш усуллари ва лаборатория тажрибаларини ўтказиш тавсифлари келтирилган.

Ушбу концентрат, шубҳасиз ўта мураккабдир. У цианлаш ва сорбциялашнинг стандарт жараёнлари ёрдамида олтин ажратиш олишга барқарордир. Концентрат таркибида сульфидли минераллар ва органик углерод мавжуд, бу уни ўта мураккаблигига сабаб бўлади. Сульфидли минераллар- бу реагентни ўтказмайдиган минераллардир, қайсики олтиннинг танлаб эритмага ўтказилишига қаршилик қилиб, олтин зарраларини инкапсуляциялайди. Концентратда мавжуд бўлган органик углерод эриган олтин-цианидли комплексларни деярли активлаштирилган кўмир каби адсорбциялаши мумкин.

$S_{\text{умум}}$, $S_{\text{орг}}$, $S_{\text{умум}}$, S_s , As ва темир микдори 1-жадвалда келтирилган.

Флотоконцентрат таркибидаги асосий элементларнинг миқдорий таҳлили

Намуналар номланиши	Миқдори, %					
	$C_{\text{умум}}$	$C_{\text{орг}}$	$S_{\text{умум}}$	S_s	As	Fe
Флотоконцентрат	2,2	1,5	18,5	16,2	1,01	20,2

Органик углерод (~1,5%), сульфидли олтингугурт миқдори (16,2%) ва сорбцияли цианлаш натижалари ($\mathcal{E}=29,3\%$) ушбу концентратнинг мураккаб таркиблигини тасдиқлайди. Рентген-структуралар таҳлил натижаларининг кўрсатишича, олтингугурт ва мышьяк, асосан, пирит ва арсенопирит кўринишида бўлиб ҳисобланади.

Намуналарнинг ярим миқдорий таҳлили шуни кўрсатдики (2-жадвал), кам миқдорда арсенопирит (3,41%), клинозоизит (4,47%), стибнит(0,75%), анкерит (4,43%), хлорит (4,97%) ва шайерит (2,9%) мавжуддир.

Минераллар миқдори бўйича ярим миқдорий рентгенофаза таҳлил натижалари

Минерал	Кварц	Пирит	Арсенопирит	Мусковит	Анортит	Клино-зоизит	Стиб-нит	Анке-рит	Хлорит	Шайерит
Миқдор,%	19,6	21,09	3,41	29,4	8,94	4,47	0,75	4,43	4,97	2,9

Тадқиқот ишларини олиб боришда намуналарнинг морфологик, элементли хусусиятлари ўзгариши асосий минерал ва элементларнинг юқорида кўрсатилган миқдорли концентрат билан бажарилган.


Флотоконцентрат хусусиятини ўрганиш учун таҳлилнинг пробирли, рентгено-флуоресцентли, атомно-абсорбцияли, ИК-спектрометрик, рентген-фаза таҳлиллари усуллари ўз ичига олган тадқиқотнинг комплекс усуллари қўлланилди, шунингдек, материалнинг термик хоссаларини таҳлил қилиш учун термогравиметрик усулдан фойдаланилди.

«Бойитилган технологик мураккаб таркибли руда маҳсулотларидан олтинни ажратиш олишга микроўлқинли ишлов бериш таъсирининг назарий асосларини тадқиқ қилиш» номли учинчи бобда мураккаб таркибли концентратлардан олтинни умумий ажратиш олиш даражасининг ошишига микроўлқинли ишлов бериш таъсири тадқиқ қилинган.

Майин тарқалган сульфидли мураккаб таркибли концентратдаги олтин юзасини очишнинг муҳим усулларида бири термик ишлов бериш ҳисобланади. Флотоконцентратнинг термик парчаланиш хусусиятларини аниқлаш учун ҳаво муҳитида дериватографик таҳлил ўтказилди ва дериватограмма олинди.

50°C дан 900°C гача ҳарорат чегарасида масса ўзгаришини аниқлаштириш учун рақамли далиллар кўринишида термик таҳлил натижалари олинди ва ҳарорат чегарасининг белгиланган қисмлари бўйича масса камайишининг жуда аниқ тавсифини олиш учун қўшимча ишлов берилди.

Худди шу мақсадда 1-расмда флотоконцентратнинг 1 г учун вақт бўйича



1-расм. Вақт функцияси бўйича флотоконцентратнинг ДСКси

иссиқлик оқимининг ўзгариши ўрганилган. Очик кўк ранг билан белгиланган соҳалар иссиқлик энергияси ютилиши билан боғлиқ жараёнлар энтальпиясини билдиради, бунда қизил ранг билан белгиланган соҳалар иссиқлик энергияси ажралиб чиқилиши билан боғлиқ жараёнлар энтальпиясини кўрсатади.

3-жавалда флотоконцентратга термик ишлов беришда иссиқлик эффектларини ҳисоблашнинг якуний

натижалари тақдим этилган.

Иссиқлик эффектлари натижалари шуни кўрсатдики, термик ишлов беришда ажралиб чиқадиган энергия миқдори ютилган энергиядан анча юқори бўлди.

Ушбу минераллардан олтинни самарали ажратиш олиш мақсадида сульфидларни ва углеродли моддаларни оксидлаш йўли билан олтин юзасини очиш учун 3-ГМЗ мураккаб олтин таркибли флотоконцентратга олдиндан микротўлқинли ишлов бериш қўлланилди.

Флотоконцентратга 30 дақиқа давомийлигида микротўлқинли ишлов беришда 70% яқин органик углерод йўқотилди, 45 дақиқа давомийлигида эса углероднинг йўқолиш даражаси 75,5% ташкил этди. Ишлов беришнинг 45 дақиқаси ичида ҳаммаси бўлиб 24% мишьяк йўқотилди, қолган қисми эса куйиндида қолади. Бу шундай изоҳланадики, арсенопиритдаги мишьяк пирротин ва сўнгра магнетит ҳосил қилиш билан 450-550°C ҳароратда атмосферада кислород танқислиги билан As_2O_3 учувчан оксидгача оксидланади, кислород мўл бўлганда эса учувчан бўлмаган As_2O_5 , ҳосил бўлишига олиб келади, қайсики у 315°C ҳароратда эрийди.

3-жадвал.

Флотоконцентратга термик ишлов беришнинг иссиқлик эффектларини ҳисоблаш натижалари

Флотоконцентратни қиздиришда иссиқлик ютилиши кўлами		Намунани қиздириш учун ютиладиган энергия	Флотоконцентратни қиздиришда иссиқлик ажралиши кўлами		Экзотермик реакциялар ҳисобидан ажралиб чиқадиган энергия
$T_{\text{бошл.}}, ^\circ\text{C}$	$T_{\text{туғаш.}}, ^\circ\text{C}$	$\Delta H_{\text{эндо}}, \text{Дж/г}$	$T_{\text{бошл.}}, ^\circ\text{C}$	$T_{\text{туғаш.}}, ^\circ\text{C}$	$\Delta H_{\text{экзо}}, \text{Дж/г}$
50	390	33,52	390	560	- 49,87

Лаборатория тадқиқотида аниқланишича, ишлов беришнинг 45 ва 60 дақиқа давомийлигида сульфидли олтингугурт оксидланиш фоизи мос равишда 95,6 ва 97,8 % ташкил этди.


Олтин ажратиб олиш даражасини аниқлаш учун микротўлқинли печда ишлов берилган намуналар 3 г/л тенг бўлган NaCN концентрациясида ва 3 % кўмирни юклашда 24 соат давомида сорбцияли цианлаш билан қайта ишланади.

Натижалар шуни кўрсатдики флотоконцентратга олдиндан микротўлқинли ишлов бериш кейинги сорбцияли цианлашда олтин ажратиб олишнинг ошишига ёрдам берди. Концентратга 45 дақиқа давомида ишлов бериш олтин ажратиб олишни 29,8% дан 73,2% гача ошириш, ишлов бериш вақтининг кейинчалик 60 дақиқাগача ошишида ажратиб олишнинг қўшимча яна 1,3% ошиши имкониятини кўрсатилган.

Куйдириш жадаллигига қувватнинг таъсирини аниқлаш учун 1000 Вт микротўлқинли қувватда куйдириш ўтказилди. Юқори қувватнинг кўрсатишича, ишлов беришнинг 2 дақиқасида ҳарорат 510 °С гача кўтарилди ва бу 700 Вт. қувватга қараганда 2,5 марта тезроқ кечди. Аралаштириш вақтида, магнетрон ўчириб қўйилганда, ҳарорат 450 °С гача тушиб кетди. 700 Вт да ишлов беришдаги 30; 20 ва сўнгра 15 секунд даврий нурланишдан фарқли равишда, 30 секунд даврий аралаштиришнинг давомийлигида куйдириш ҳароратини сақлаб туриш етарли бўлди. 3-расмда 1000 Вт қувватда нурланишли ва аралаштиришли ишлов бериш вақтида намуна ҳароратининг ўзгариши берилган. 2-расмдан кўриниб турибдики, жараён бошланишида ишлов беришнинг икки дақиқаси ичида ҳарорат 510 °С гача кўтарилди, сўнгра даврий нурланишли ва аралаштиришли тартибда ҳарорат ўртача 540 °С гача ошиб борди. Ишлов беришнинг бешинчи дақиқасида ҳарорат ўсиб бориши тезлашиб, 650 °С га етганча ошиб борди, бу

экзотермик реакциялар билан боғлиқдир.

Ҳароратни 450 –550 °С ораликда сақлаб туриш учун даврий нурланиш вақти 20 секундгача қисқартирилди. Ҳарорат барқарорлашди, бироқ сўнгра яна 650 °С гача ошди, бу экзотермик реакциялардан ташқари, магнетит ҳосил бўлиши билан боғлиқдир, чунки магнетит МТ нурланишда жуда жадал иссиқлик чиқаришни намоён ыилади, у ҳароратнинг ўсиб бориши тезлиги ошишига ёрдам берди. Шу сабабли ишлов



2-расм. 1000 Вт қувватда ишлов бериш вақтида намуна ҳарорати ўзгариши

беришнинг 13-дақиқасида даврий нурланиш вақти 15 секундгача

қисқартирилди, бунинг натижасида ҳарорат барқарорлашди ва жараён охиригача 450-550 °С. чегараларда бўлди, бунда куйдиришнинг умумий вақти 27 дақиқани ташкил этди.

Ушбу куйиндининг кимёвий таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, олтингургртнинг ва органик углероднинг йўқотилиш даражаси мос равишда 95,3% ва 74,6% бўлди. Сорбцияли цианлашда олтин ажратиб олиш даражаси 74,7% ташкил этди.

Микротўлқинли куйдириш конвекцион усулларга қараганда жиддий равишда жадалликни кўрсатди, худди ўшандай технологик кўрсаткичларда нурланиш қувватини 1000 Вт ошириш куйдириш вақтини 18 дақиқага қисқартириш имконини берди. Натижаларнинг кўрсатишича, етарлича аэрацияда куйдириш давомийлиги 9 дақиқадан кўра кўриши мумкин, бу жараён жадаллашиши бўйича юқори даражада самарали натижа ҳисобланади.

Шунингдек, флотоконцентратга куйдиришгача ва куйдиришдан сўнг микротўлқинли автоклави ишлов бериш тадқиқ қилинди. Натижада, олтин ажратиб олиш даражасининг жиддий яхшиланганлиги намоён бўлди. Микротўлқинли автоклави ишлов бериш бўйича тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, рН=2, 200 °С да 60 дақиқа давомида куйдирилган флотоконцентратга микротўлқинли автоклави ишлов берганда олтин ажратиб олиш даражасини қўшимча ~15% га ошириш мумкин.

Флотоконцентратни микротўлқинли куйдиришдан сўнг ўтказилган минералогик тадқиқотлар пирит ва арсенопиритнинг ғовак гематитга ва етарлича ғовак бўлмаган магнетитга тўлиқ айланишини кўрсатди.


Намунанинг рентген тузилишли таҳлили натижалари магнетитнинг юқори миқдорини тасдиқлади. 3-расмда МВ ишлов берилган флотоконцентрат дифрактограммаси тақдим этилган. Бунда, МТ куйдиришдан сўнг темирнинг асосий оксидлари магнетит, магнетит ва гематит кўринишида намоён бўлиши кўрсатилган. 4-жадвалда рентген тузилишли таҳлилнинг ярим миқдорий натижалари берилган. Жадвалдан кўришиб турибдики, темир оксидлари ўртасида магнетит энг юқори миқдорга (12,6%) эгадир.

4-жадвал

МВ куйдирилган флотоконцентратнинг ярим миқдорий рентгенотузилишли таҳлили натижалари

Минерал номланиши	Мусковит	Кварц	Магнетит	Гематит	Магнетит	Анортит	Эпидот	Хлорит
Миқдори, %	34,2	26,5	12,6	3,57	4,36	12,2	3,66	2,5

Маггемит қийин ажратиб олинадиган олтиннинг асосий ташувчиси эканлигини исботлаш учун сорбцияли цианлашдан сўнг МТ куйиндининг магнитли сепарацияси ўтказилди. 5-жадвалда магнитли сепарация натижалари келтирилган. Кўрсатилишича, магнитли фракцияга олтин ажратиб олиш ~70% ташкил этади, қуйидаги микдорларда: Fe-50,9%; S_s-0,2%; C_{орг} -0,54%; As -0,46%.



3-расм. МВ ишлов берилган флотоконцентрат дифрактограммаси

Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, олтин ва углерод ўртасида ёки олтин ва мишьяк ўртасида боғланиш мавжуд эмас, чунки олтиннинг катта қисми магнитли фракцияга ўтганда, бу элементларнинг асосий қисми номагнитли фракцияга ўтади.

5-жадвал

Сорбцияли цианлашдан сўнг МТ куйиндининг магнитли сепарацияси натижалари

№	Маҳсулот номланиши	Au(г/т)	ε, %	γ	Fe,%	S _s %	S _{общ} , %	C _{об} , %	C _{орг} , %	As,%
1.	Сорбциядан сўнг МВ куйинди	5,47	100	100	22,8	0,2	0,5	1,3	0,8	0,64
2.	Магнитли фракция	10,1	70,05	38,6	50,9	< 0,2	0,2	0,22	0,54	0,46
3.	Номагнитли фракция	2,6	29,95	61,4	4,9	0,2	0,37	1,66	1,3	0,72

Магнитли фракция дифрактограммаси кўрсатганидек (4-расм), асосий фазалар маггемит фазалари ҳисобланади, шунингдек, кварц, магнетит ва гематит фазаларининг кучсиз жадаллашув чўққилари мавжуд. 6-жадвалда ярим микдорий рентгенотузилмали таҳлил натижалари тақдим этилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, магнитли фракцияда темир оксидлари микдори 4 мартага ошди, кварц микдори эса 11% камайди.


6-жадвал

МТ куйдирилган флотоконцентрат магнитли фракциясининг ярим микдорий рентгенотузилмали таҳлили натижалари

Минералнинг номланиши	Кварц	Маггемит	Гематит	Магнетит
Микдори, %	15,7	48,7	16,1	19,5

МВ куйиндининг магнитли сепарацияси сорбциягача магнитли фракциянинг 40% чиқишида олтиннинг магнитли фракцияга 80% ажратиб олинишини кўрсатди.

Темир оксидлари билан ассоциацияланган олтинни ажратиш мақсадида кекни кейинги сорбцияли цианлаш билан магнитли фракциядан темир оксидларини сульфат кислотали танлаб эритмага ўтказиш ўтказилди. 6,5 г/т олтин миқдори номагнитли фракция ҳам сорбцияли цианлашга юборилди



4-расм. МТ ишлов берилган

Натижалар шуни кўрсатдики, магнитли фракцияни сульфат кислотали танлаб эритишдан сўнг қолган кекни сорбцияли цианлашда, олтин ажратиб олиш даражаси ~96% ни ташкил этди. Номагнитли фракциядан олтин ажратиб олиш даражаси ~65% ни ташкил қилди.


Шундай қилиб, рентген структурали таҳлиллар куйиндида олтиннинг маълум миқдори боғланган маггемитнинг сезиларли миқдори мавжудлигини кўрсатди. Сорбцияли цианлашдан сўнг МТ куйиндининг ўтказилган магнитли саралаш шуни тасдиқладики, маггемит қийин ажратиб олинадиган олтиннинг асосий ташувчиси ҳисобланади. Олинган натижаларнинг кўрсатишича, магнитли фракцияга олтиннинг ажралиши 75~80% ни ташкил этади, куйидаги миқдорларда: Fe-50,9%; S_s-0,2%; C_{орг} -0,54%; As -0,46%. Темир оксидларини эритиш мақсадида магнитли фракцияни сульфат кислотали танлаб эритиш магнитли фракциядан олтин ажратиб олиш даражасини ~20% га ошириш имконини берди, бу қийин ажратиб олинадиган олтиннинг катта қисми маггемит билан ассоциацияланганлигининг яна бир исботи бўлиб ҳисобланади.

«Микротўлқинли энергиядан фойдаланган ҳолда мураккаб олтин таркибли концентратларни қайта ишлашнинг тавсия этиладиган технологик схемани ишлаб чиқиш ва асослаш» номли тўртинчи бўлимда микротўлқинли энергияни қўллаш билан мураккаб олтин таркибли концентратларни қайта ишлашнинг янги технологияси ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида мураккаб олтин таркибли концентратларни қайта ишлашнинг асосий (умумий) технологик схемаси ишлаб чиқилди.

Таҳлил натижаларидан билиш мумкинки, куйдиришдан сўнг флоконцентратда темир миқдори ~22% етади. Рентген-структур тадқиқотлар шуни кўрсатдики, куйиндида темирнинг асосий қисми маггемит, магнетит ва гематит кўринишида бўлади. Магнитли фракция натижалари темир ва олтиннинг магнитли фракцияга концентранлигини

(концентрацияланганлигини) кўрсатди. Тажриба йўли билан қийин ажратиб олинадиган олтиннинг темир оксидлари билан, асосан маггемит билан ассоциацияланганлиги исбот қилинди. Олтиннинг катта қисми магнитли фракцияга тўпланганлигини ва унда 50 % дан ортиқ темир мавжудлигини ҳисобга олиб, ушбу маҳсулотдан комплекс фойдаланишга қизиқиш пайдо бўлади.



5-расм. Темир асосида пигментни ва ноорганик ўғит – $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ни йўлдош маҳсулот сифатида олиш билан мураккаб олтин таркибли концентратлардан олтин ажратиш олишнинг тавсия этилаётган технологик схемаси

Сульфат кислотали ишлов бериш тажрибалари шуни кўрсатдики, сульфат кислотали эритмада темир оксидларининг эриши 17~22% миқдорли $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ эритмасини олиш ва магнитли фракциядан олтин ажратиш олиш даражасини ~96% гача ошириш имконини беради.

Ўтказилган тажриба синовлари асосида темир ва ноорганик ўғит– $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ асосида пигментни йўлдош маҳсулот сифатида олиш билан мураккаб таркибли концентратларни қайта ишлашнинг тавсия этилаётган технологик схемаси (5-расм) ишлаб чиқилди. Схема қуйидагиларни ўз ичига олади:

– микротўлқинли куйдириш операцияси, бунда концентрат аэрация усулига боғлиқ равишда 10~25 дақиқа давомида оксидланади;

– олинган куйинди суяқ магнитли сепарацияга билан қайта ишланади. Магнитли сепарация 4-босқичли тозалаш билан амалга оширилади, бунда биринчи босқичда олинган магнитли концентрат соф магнитли фракция олиш учун уч босқичли қайта тозалашга боради;

– магнитли сепарациянинг биргаликдаги чиқиндилари, яъни, темирдан тозаланган маҳсулот сорбцияли цианлашга юборилади. 45-51% темир миқдорили магнитли фракция эса, темирни танлаб эритиш ва оксидлар билан ассоциацияланган олтиннинг юзасини очиш учун $T=80\sim 85^\circ\text{C}$; $Q:C=1:6$ да; $T=60\sim 90$ дақиқада сульфат кислотали ишлов беришга жўнатилади;

– сульфат кислотали ишлов бериш маҳсулоти филтрланади ва олтин билан бойитилиб олинган чўкинди олтинни ажратиб олиш учун сорбцияли цианлашга юборилади;

– $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ 17~22% миқдорли филтрат маълум технология бўйича темир асосида пигмент олиш ва ноорганик ўғит- $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ олиш жараёнига жўнатилади.

Шундай қилиб, тажриба ва ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатадики, мураккаб олтин таркибли концентратларни қайта ишлашнинг ушбу технологик схемаси темир ва ноорганик ўғит– $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ асосида пигментни йўл-йўлакай олиш билан олтин ажратиб олиш даражасини 89,8% гача ошириш имконини беради.

5-расмда тавсия этилаётган темир ва ноорганик ўғит– $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ асосида пигментни йўл-йўлакай олиш билан мураккаб олтин таркибли концентратлардан олтин ажратиб олишнинг технологик схемаси НКМК ДК МИТЛда яхлитлаштирилган-лабораторияли ва ярим саноатли синовдан ўтган ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия этилган.

ХУЛОСА

«Микротўлқинли энергияни қўллаган ҳолда мураккаб олтин таркибли хомашёни қайта ишлашнинг самарали технологиясини яратиш бўйича тадқиқотлар» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўтказилган термик таҳлил асосида флотоконцентратга термик ишлов беришдаги иссиқлик эффектлари ҳисоблаб чиқилди. Термик ишлов беришда ажралиб чиқадиган энергия миқдори ютилган энергиядан анча кўп эканлиги аниқланди, бу флотоконцентратни куйдиришда жараённинг автогенли бориши имкониятини исботлайди.

2. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, микротўлқинли куйдириш конвекцион усулларга қараганда жиддий жадаллашувни намоён қилади. Нурланиш қувватининг 1000 Вт гача ошиши куйдириш вақтини 45 дан 27 дақиқাগача қисқартириш имконини берди. Натижаларнинг кўрсатишича, етарлича аэрацияда худди шу технологик кўрсаткичларда куйдириш давомийлиги 9 дақиқাগача қисқариши мумкин.

3. Микротўлқинли куйдириш бўйича тадқиқотларда аниқландики, куйдириш операцияси камида 500°C ҳароратда олиб борилиши лозим. 550-650°C даги жуда юқори ҳароратли тартиб олтин ажратиш олиш даражасида сезиларли фарқни кўрсатмади.

4. Аниқландики, флотоконцентратга микротўлқинли ишлов беришда пирит миқдори қиздириш жадаллашувининг асосий омили ҳисобланади. Жараён давомида пирит, темир оксидларини, магнетит, маггемит ва гематитни ҳосил қилиб оксидланади. МТ нурланишда пиритга қараганда магнетитнинг яхши қизишини ҳисобга олиб, у жараён якунлангунича куйдириш ҳароратини сақлаб туради.

5. Ўтказилган тажрибалар асосида МТ куйиндига автоклавли ишлов бериш учун мақбул шароитлар аниқланди. Натижалар шуни кўрсатдики, рН=2, 200 °С да 60 дақиқа давомида куйдирилган флотоконцентратга қўшимча автоклавли ишлов беришда олтин ажратиш олиш даражаси қўшимча равишда ~15% га ошади.

6. Таҳлил натижаларидан кўринадики, олтин ва углерод ёки олтин ва мишьяк ўртасида боғланиш мавжуд эмас, чунки ушбу элементларнинг асосий қисми номагнитли фракцияга ўтади, бунда олтиннинг катта қисми магнитли фракцияга ўтади.

7. Ўтказилган тадқиқотларда шу нарса аниқландики, МТ куйиндини сорбциялашда эримаган олтиннинг асосий қисми маггемитда қапсулаланган. МТ куйиндининг магнитли сепарациясидан сўнг магнитли фракция таҳлили кўрсатдики, маггемит қийин ажратиш олинган олтиннинг асосий ташувчиси ҳисобланади. Олтинни темир оксидларидан ажратиш мақсадида магнитли фракцияни сульфат кислотали танлаб эритиш магнитли фракциядан олтин ажратиш олиш даражасини 20% га ошириш имконини беради.

8. Ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида кейинги микротўлқинли-куйдиришли-автоклавли ишлов бериш билан МТ куйдиришни қўллаш ёрдамида мураккаб олтин таркибли концентратларни қайта ишлашнинг асосий (умумий) ишлаб чиқилган технологик схемаси келтирилади.

9. Кейинги магнитли сепарациялаш ва магнитли фракцияга сульфат кислотали ишлов бериш билан МТ куйдиришни қўллаш ёрдамида мураккаб олтин таркибли концентратларни қайта ишлашнинг янги технологик схемаси ишлаб чиқилди ва тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/30.12.2019.Т.06.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

ФУЗАЙЛОВ ОМОН УБАЙДУЛЛОЕВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЯ ПО РАЗРАБОТКЕ ЭФФЕКТИВНОЙ
ТЕХНОЛОГИИ ПЕРЕРАБОТКИ УПОРНОГО
ЗОЛОТОСОДЕРЖАЩЕГО СЫРЬЯ С ПРИМЕНЕНИЕМ
МИКРОВОЛНОВОЙ ЭНЕРГИИ**

04.00.14 – Обогащение полезных ископаемых

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Навои - 2020

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время в мировой практике снижение запасов месторождений с легкоперерабатываемыми рудами стало причиной роста переработки упорных золотосодержащих руд стремительными темпами. Повышение сквозного извлечения золота и комплексное использование исходного сырья является основной проблемой перерабатывающей промышленности. При этом особое значение приобретает разработка и внедрение высокоэффективных технологий переработки руд и концентратов с применением новых нетрадиционных методов обработки, позволяющих увеличить извлечение золота и комплексность переработки минерального сырья.

В мире, на сегодняшний день уделяется особое внимание переработке упорных золотосодержащих руд и концентратов. Для снижения себестоимости продукта, увеличения сквозного извлечения основного металла и уменьшения затрат на переработку разрабатываются новые методы и технологические решения. А также уделяется особое внимание на комплексное использование сырья и получение дополнительной продукции. В связи с этим разработка эффективных технологий и совершенствование существующих для повышения извлечения ценных компонентов с комплексным использованием сырья является актуальной задачей для науки и практики горно-металлургической промышленности.

В Республике горно-металлургическая промышленность является одной из важных отраслей развития экономики страны, которая немыслима без разработки и внедрения усовершенствованных и новых технологий для переработки минерального сырья, в частности полиметаллических руд, с целью комплексного извлечения ценных компонентов. Выполняется ряд научно-практических работ по разработке эффективной технологии переработки упорного золотосодержащего сырья. В Указе Президента Республики Узбекистан¹ определены важные задачи по «повышению промышленности на качественно новый уровень, глубокой переработки местных источников сырья, ускорению производства готовой продукции, освоению новых видов продукции и технологий». В связи с этим становится актуальным решение задач по совершенствованию и разработке новых технологий для комплексного извлечения ценных компонентов с высокой степенью извлечения из упорных золотосодержащих руд и концентратов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3145 от 24 июля 2017 года «О мерах по совершенствованию управления научно-исследовательскими и проектно-изыскательскими работами в сфере промышленного освоения

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» // Сборник правовых документов Республики Узбекистан. – Т., 2017. – 103 с.

месторождений рудных полезных ископаемых», в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4124 от 17 января 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действия по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

